O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 9 - mart 120-11-0-Q/22 Farg‘ona viloyati hokimligi

Сув қудуғини реконструкция қилиш ҳамда сув минораси ўрнатиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-98-сон Қарори, 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармони ҳамда Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 2021 йил 25 октябрдаги “2021 йилда Фарғона вилоятининг олис ҳудудларида яшайдиган, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси оғир бўлган аҳоли яшаш пунктларини давлат ижтимоий буюртмалари доирасида ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида”ги V1-36-47-11-O-K/21-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олтиариқ тумани “Ибн Сино” МФЙ аҳолисини тоза ичимлик сув таъминоти сифатини янада яхшилаш, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида тумандаги “Ибн Сино” МФЙ ҳудудида сув қудуғини реконструкция қилиш ҳамда сув минораси ўрнатиш учун ер майдони ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти талаблари асосида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 20, 23-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари бўйича инжиниринг компанияси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига Олтиариқ туманидаги “Ибн Сино” маҳалласида жойлашган, туман ҳокимлиги захирасидаги, 0,08 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш турган ер майдони сув қудуғини реконструкция қилиш ҳамда сув минораси ўрнатиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

2. Давлат Кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (У.Абдуалиев) мазкур қарорга мувофиқ давлат ер фондига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Х.Бозаров**